



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (11.525)

Баҳоси эркин нарҳда



Санъат

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг тегишли Қарори асосида қабул қилинган Давлат дастури муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, Давлат дастури мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мусиқа таълими бутун тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Шаҳримиздаги тажрибали педагог Милоҳат Огаева бошқараётган 20-мусиқа ва санъат мактаби пойтахтимиздаги энг кекса санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади. 50 йиллик фаолияти давомида ушбу санъат мактабидан икки мингдан ортиқ ёш мутахассислар етишиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги республикамиз ва хориждаги етакчи олий ўқув юрталарида

малакаларини оширганлар. Мактабнинг собиқ ўқувчилари ҳозирда «Ўзбекистон солистлари», «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари», Москва камер оркестри, Вена филармонияси оркестри ва бошқа кўплаб машҳур жамоаларда фаолият кўрсатмоқда.

Энг муҳими, мактабда таълим бериш тизими доимо энг юқори даражада бўлган. Унинг ўқувчиларининг турли-

туман шаҳар, республика ва халқаро миқёсдаги танлов ҳамда фестивалларда соловринли ўринларни эгаллаётгани фикримиз далилидир. Чунинчи, жорий йилда А.Елтаева ва Х.Мустағизовлар Россияда ўтказилган «Янги номлар» Халқаро ижодий мактабда қатнашган бўлсалар, А.Мансурова Бухарестда уюштирилган ёш пианиночиларнинг «PRO-PIANO-

ROMANIA» халқаро танловининг совриндори бўлди. Т.Исоқов, М.Хайитов ва Н.Ойнабоева раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари ансамбли «Болалик баҳори» республика фестивалида биринчи ўринни эгаллади. Албатта, ушбу муваффақиятларда мактаб педагогларининг хизматлари катта. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу ерда бир неча ўнлаб йиллик иш

тажрибасига эга педагоглар билан бир қаторда кўпчилиги мазкур мусиқа ва санъат мактабининг собиқ битирувчилари бўлмиш ёш истеъдодли мутахассислар ҳам меҳнат қилмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: 20-мусиқа ва санъат мактаби ҳаётидан лавҳалар.

Рустам Ходиевич олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК
2200
2009
ТОШКЕНТ



«ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ЙЎЛИДА»

Мисрнинг босма ва электрон турда фаолият юритувчи «Мамлакат овози» ҳафталик газетаси ўқувчилари сони Мисрнинг ўзида ва бошқа араб давлатларида 150 минг кишини ташкил этади. Нашр яқинда сиёсий шорҳловчи, Миср Араб Республикаси ахборот вазири маслаҳатчиси Магди Дайфининг «Ўзбекистон парламент сайловлари йўлида» сарлавҳали мақоласини чоп этди. Қуйида ушбу мақоланинг таржимасини бир оз қисқартирилган тарзда эътиборингизга ҳавола этамиз.

Амалдаги қонун чиқарувчи, ижро ва суд органлари ҳокимиятини шакллантириш орқали давлатчилик асосига замин яратган ҳамда икки палатали парламент тизимаси – Сенат ва Қонунчилик палаталарини шакллантирган, инсон ҳуқуқларини таъминловчи Омбудсман институти жорий этган Ўзбекистон Республикаси айни пайтда демократик давлат асосларини мустаҳкамлашга интиломоқда. Яқинда ўз мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаган ушбу мамлакат Президент Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида йўлида учраган барча тўсиқларни мардондор ёнгишга эришди ва ҳавфсизлик ҳамда барқарорлик оролига айланди.

Ўзбекистон эришилган ютуқлари билан чеklangмай, сиёсий рақобат ва демократияни рағбатлантиришнинг асосини ташкил этувчи кўп партиявийлик тизимини шакллантириш орқали сиёсий ҳаётни

ривожлантиришда давом этмоқда. Шу боис парламент фаолияти сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилганини қайд этиш мумкин.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси парламенти – Олий Мажлис депутатлик мандатлари сони 120 дан 150 тага оширилди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар 2009 йил 27 декабрда ўтказилиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси шу муносабат билан ўтказилган брифингда Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий бўғини ҳисобланишини маълум қилди. Ҳеч ким, биринчи навбатда мамлакат ҳокимият органларининг сайлов ишларига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва белгиланган қонунчиликка муво-

фиқ бундай уринишларга қарши кескин чоралар кўрилиши ҳам таъкидланди. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда сайловларнинг адолатли ва ошкоралик асосида ўтишини таъминлаш мақсадида халқаро кузатувчиларнинг иштирокига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги сайлов кампаниясининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги эътиборга олинди, янги қонунчиликка мувофиқ Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг 15 таси Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари учун ажратилган. Бу эса фуқаролар соғлиги ва атроф-муҳит муҳофазасига давлат томонидан катта эътибор қаратилётганини аниқлатади.

«Жаҳон» АА,
Қоҳира

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Семинар-кенгашда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёт борасидаги билиминини янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинар-кенгашни очар экан, мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилигимиз, унда белгиланган очкилик, ошкоралик ва холислик тамойилларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетидега иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, спорт секциялари, тўғарақлар, курслар раҳбарлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Оила оstonадан бошланади» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида уюштирилган «Хунарли хор бўлмас» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда 215-мактаб ўқувчилари, ўқувчилар, Баротхўжа номдаги маҳалла ёшлари иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч масканида 1997-1998 йилларда тутилган ўсмирлар ўртасида стол теннисига бўйича мусобақа ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Президентликка номзодлардан бири доктор Абдулло Абдуллонинг ўз номзодини қайтариб олиши сабабли Афғонистонда мамлакат президентлигига сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилмайдиган бўлди. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига кўра Ҳамид Карзай Афғонистоннинг Президенти деб эълон қилинди.

• Кеча Шимолий Корея расмийлари атом қуролини ишлаб чиқариш дастурини тўхтатиш ва қуролсизланиш борасида АҚШ билан ҳеч қандай воситаларсиз тўғридан-тўғри музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди.

• Эрон маъмурлари мамлакат пойтахтини Техрондан бошқа амалдаги мавжуд ёки янги бунёд этиладиган шаҳарга кўчирилиши мумкинлигини таъкидлашди.

• Украина Президенти В.Юшченко мамлакат парламентида 2009 йил бюджетига киритилган ўзгартишлар лойиҳасини киритди.

• Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Шарқий Европа мамлакатлари компания ва корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни бошлашини билдирди.

• Сўнги маълумотларга қараганда, Украинада янги А/Н1N1 гриппига чалинган 22 киши ҳаётдан кўз юмган.

• Сомалилик денгиз қароқчилари бортида Украинанинг 24 нафар фуқароси бўлган Грециянинг «Ариана» кемасини гаров эвазига озод қилишга розилик беришди. Яъни, келишувга кўра, қароқчилар 3,5 миллион АҚШ долларига эга бўлишгач, талабни қондиришади.

• Россиянинг Калининград шаҳридаги «Автотор» автомобиль заводи General Motors компаниясининг машҳур бўлган Astra ва Zafira моделидаги автомобилларни йиғишни бошлади.

• Грознийда амалга оширилган маҳсус операция чоғида террорчилик ҳаракатини бажаришга тайёрланаётган жангари йўқ қилинди.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир иштирокчиларига ўтган давр мобайнида маъмур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинар-кенгашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловнинг демократик тамойиллар, амалдаги қонунчилик нормалари ва талаблари асосида адолатли, очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди. Таъкидландики, улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан миллий қонунчилик талабларига қатъий амал қилиниши, барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг мустақиллиги ва қонун асосида фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалаларга доимий эътибор қаратишлари лозим.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 126-Темирйўлчилар сайлов округида бўлиб, округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишдилар. Округ сайлов комиссияси раиси Т.Жалилов сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Комиссия барча зарур техника воситалари, жумладан, Интернетга уланган компьютерлар, телефон, факс, нусха кўчириш аппаратлари эга. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа ҳуқуқий адабиётлар мавжуд. Стендардлар сайлов округи ҳудудида жойлашган сайлов участкалари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

— Булажак сайлов жамиятни янада демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади, — дейди семинар қатнашчиси, 12-Шаҳрихон округ сайлов комиссияси раиси А.Тошбоев (Андижон вилояти). — Булажак сайловни қонун талаблари асосида очиқ, ошкора ва адолатли ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Ушбу семинар-кенгаш сайловни юқори демократик савияда ўтказиш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда «Сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари», «Сайлов: миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва хорижий тажриба», «Жамиятни янгилash ва демократлаштириш шароитида сайлов қонунчилигининг такомиллашуви», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш», «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик тамойиллари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Бахс-мунозаралар жараёнида округ сайлов комиссиялари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча масалалар, жумладан, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий хилхатлиги, участка сайлов комиссияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш, сайловдаги ташвиқоти жараёнида тенглик таъминлашга амал қилиш, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш қоидалари ҳақидаги барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Жамолиддин Шоҳақимов журналистларга сайлов кампанияси эълон қилинган кундан бошлаб ўтган вақт давомида комиссия томонидан амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидлаб ўтилганидек, шаҳар сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Қонун талаблари, Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қоидалари ҳамда тегишли календарь режасига қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириб келмоқда.

Маъмур шаҳар сайлов комиссияси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ амалдаги учинчи чакирёқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида тузилди, 15 кишидан иборат аъзолар, шу жумладан комиссия раиси номзоди тасдиқланди. Эндиликда ушбу таркибдаги шаҳар сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича шакллантириладиган янги Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти давомида беш йил иш юритади. Сессияда шунингдек тегишли қонуннинг 7-моддасига биноан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сони, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда 60 та, ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар меъёри эса ўртача 22,5 минг сайловчи ҳисобидан белгиланди.

Шаҳар сайлов комиссияси ўзининг биринчи йиғилишида комиссия аъзолари орасидан раис ўринбосари ва комиссия котибини сайлаб, сайлов кампанияси давомида жойларда тегишли қонунчиликка амал қилинишини назорат қилиш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир аъзони туманларга бириктириш юзасидан қарор қабул қилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида бошқимча-босқич амалга ошириладиган сайловолди тадбирлари ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг календарь режаси ҳам тасдиқланди.

Навбатдаги йиғилишида шаҳар сайлов комиссияси ўз ваколати доира-

КЕЧА Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг уюштирилди. Тадбирда шаҳар сайлов комиссияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари қатнашди.

сида қайд этилган сессияда белгиланган округ меъёрлари ҳамда сайловчилар сони тасдиқлаб олди. Сайлов округларининг чегаралари шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши инобатга олинган ҳолда белгиланди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига асосан сайловга етмиш кун қолгани-

си, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан сайловда иштирок этиш юзасидан ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар кўриб чиқилгани ҳолда, барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши, яъни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўз номзодларини депутатликка кўрсатишларига ижозат берилганлиги тўғрисида шаҳар сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Сайловга камида олти кун қолганида комиссия сайлов жараёнининг асосий бўғинлари — сайлов участкаларини 653 та ҳисобида белгилаб, бунда сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратилиши ҳамда сайлов округлари жойлашуви инобатга олинди. Комиссия раиси алоҳида таъкидлаганидек, маъмур сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги қарорининг олтинчи бандига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов учун ягона ҳисобланади.

Шаҳар сайлов комиссияси фаолиятида туман ҳокимликларининг маҳаллий ҳокимият органлари ваколати доирасида жойларда сайловга тайёргарлик ишлари хусусида ахборотларнинг тинглангани алоҳида аҳамиятга эгадир. Сайлов қонунчилиги биноан, туман ҳокимликлари сайлов округи ва участкалари учун бино ва хоналар ажратди, тегишли комиссияларнинг самарали фаолият юритиши учун уларни зарур жиҳозлар билан таъминлади. Шу кунгача шаҳар сайлов комиссияси йиғилишларида Учтепа, Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманлари ҳокимлари бу борада қилинган ва қилинаётган ишлар юзасидан ахборот беришди.

Брифингда журналистлар шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги вазифалари билан ҳам таништириб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Шаҳар сайлов комиссиясида

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

да округ сайлов комиссиялари тузилиши лозим. Шаҳар сайлов комиссиясининг календарь режасига мувофиқ ўтказилган учинчи йиғилишида 60 та округ сайлов комиссиялари аъзоларига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиб, ҳар бир округ комиссиясига 11 кишидан иборат аъзолар тасдиқланди. Номзодларнинг таржимаи ҳоли кўриб чиқилиш жараёнида таъкидланганидек, тегишли Қонуннинг 16-моддасига асосан округ сайлов комиссиясининг бирон-бир аъзоси сиёсий партияларнинг вакили бўлиши ёки сайлов органларига ўз номзодини депутатликка кўрсатиши мумкин эмас.

Брифингда сиёсий партияларнинг сайловда иштироки юзасидан ҳам ахборот берилди. Маълум қилинганидек, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқди. Қайд этилган қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партиялар депутатликка номзодларини сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин тегишли тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина кўрсатиши мумкин. Комиссияга мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партия-

лар билан жиҳозланиб, уларда малакали тиббиёт ходимлари хизмат қилмоқдалар.

Жойлардаги оилавий поликлиникаларда ташкил этилган ёш оналар мактаблари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан туманлардаги ФХДБ бўлимлари қошида очилган ёш она курувчилар мактабларининг фаолияти ҳам эътиборга моликдир. Асосан ёшлар қамраб олинмаган ушбу мактаб машғулотларида турли соҳа мутахассислари оилалар мустақамлигини таъминлаш, аёллар саломатлигини муҳофазалаш ва соғлом фарзандлар туғилишида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтишларининг аҳамияти, тиббий маданиятни янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзи, аёллар тиббий билимини ва ўз саломатлигини сақлашга интилиш зарурлиги ҳақида турли тадбирлар ва давра суҳбатларида тўлиқ маълумот бериб бормоқдалар. Шу билан бирга бугунги кундаги глобал муаммолар — гивандлик, ичкиликбозлик ва ОИТС сингари салбий иллатларнинг инсон ҳаётига етказадиган жиддий зарари тушунирилмоқда.

Бундай ишлардан қўзланган асосий мақсад эса келажак эгалари бўлган ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом, руҳан тетик бўлиб воёга етишлари, жамият гултожи бўлган аёлларнинг саломатлигини мустақамлашдир.

Мўътабар МИРЗАЕВА, Оила маросимлари марказининг 2-тоифали инспектори.

Санъат

БОЙ ЭКСПОЗИЦИЯ

Пойтахтимиздаги миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи ўзининг музейига эга бўлди.

Ундан ўрин олган экспонатларнинг аксарияти билим даргоҳи ўқувчиларининг ижод намуналари ҳисобланади.

«Ташаббус» кўргазмасида фаол иштирок этганликлари учун бир гуруҳ ўқувчилар Буюк Британия сафарига бўлган эдилар. Шу муносабат билан бу ёшларнинг ижодий ишлари ҳам музей экспозициясидан ўрин олди.

Одил АХМЕДОВ

Алоқа ИННОВАЦИОН ЖАМФАРМА

Тошкент Ахборот технологиялари университетига «Янги технологияларни модернизациялаш ва татбиқ этиш» инновацион жамғармаси ташкил этилди. Қўрилган тадбир олий ўқув юртида янги истиқболли технологияларни амалиётга кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда университетнинг илмий фаолиятини ривожлантириш ва инновация жараёнини кенгайтириш учун қулай шароитлар юзага келаятган шу йўналиш бўйича янги лойиҳа ҳам ишлаб чиқилди. Ажратиладиган қўшимча маблағлар ҳисобидан техника воситалари ва лаборатория жиҳозлари олинади.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

«Уникон Уз» Давлат шўба корхонасида олиб борилган илмий тадқиқотлар самараси ўлароқ 90 дан ортиқ ишланма юзага келди. Давлат стандартига оид изланишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Эндиликда йўриқнома ва турли меъёрий ҳужжатлар юзага келди.

Дастурий махсулотлар тури ортди. Алоқага доир янги қурималар амалиётга татбиқ этилди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, олий ўқув юртлари учун дарслик ва адабиётларни тайёрлаш таллов асосида йўлга қўйилди. «Ил охиригача бундай қўлланмалардан яна бир нечтаси босмага тайёрланмоқда.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

«ЗиёНЕТ» таълимий-ахборот тармоғи томонидан уюштирилган «Сайёра» интернет-марафони ниҳоятга етди. Бу тадбир «ЗиёНЕТ» сайтларида қизиқарли ва фойдали маълумотларни тўплаш ҳамда бу жараёнда ёшларнинг фаоллигини ошириш имконини берди.

Марафон голиблари орасида таълим муассасалари вакиллари ҳам бор. Тошкент шаҳар фармацевтика институти номидан қатнашган жамоалар ҳам муносиб тақдирланди. Тошшаабиллар ўртасида ўтказилган викторина кўпчилида қизилкиш уйғотди.

Транспорт

МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли электр таъминоти маркази томонидан кузги-қишқи мавсумга пухта тайёргарлик кўриш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

Тошкент марказий темир йўл вокзалидаги ёриткичлар «МГРО-400» русумли чироқлар билан таъминланди. Улар жаҳон андозаларига мос бўлиб, ўта тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Режага биноан «Тошкент» темир йўл бекатида контакт тармоқлари рессор симлари ўрнатилди. «Чуқурсой» ним электр станциясидаги усқуналар алмаштирилди. Айни вақтда қўлаб трансформаторлар ўрнатилди. Марказ мутахассислари изланиши билан узатиш тармоқлари учун янги мосламалар тайёрланди.

МАРКАЗГА ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг ахборот-ҳисоблаш маркази дастурий таъминот ва техник усқуналарнинг янги намуналари билан жиҳозланди.

Улар орасида маълумотларни сақлаш тизими, тасмали кутубхона, коммуникация усқуналари ҳам бор. АҚШнинг «Киспусетемс интернационал» компанияси томонидан тайёрланган узлуксиз электр манбаи етказиб бериш қувватига эга бўлган аппаратлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Энг замонавий ахборот технологиялари сифатида фойдаланиладиган маъмур техникалар тақдироти чоғида марказ йўловчи ташиш тизимини бошқаришни автоматлаштириш билан шугулланувчи чет эл фирмалари билан шартномалар тузди.

ФАХРЛИ НОМ ЭГАСИ

«Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти фахрий ходими» нишондорлари сони яна ортди.

Бу сафар бундай шарафли номга «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси бош бухгалтери ўринбосари Саодат Ҳамидова ҳам сазовор бўлди. Уз касбининг моҳир билимдони уюшма бухгалтерия бўлимида меҳнат қилаётганига яқинда 16 йил тўлди.

Ахбар АЛИЕВ

Қарор ва ижро СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг саломатлигини мустақамлашга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

Бу борада оила, оналар ва болалар манфатларини муҳофазалашнинг мустақам ҳуқуқий тизими яратилган. Бир қатор мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижро этилаётгани, соғлом оилани шакллантириш, ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича ўзига хос тизим барпо этилгани эса айни юқоридаги мақсадга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Она ва бола сқринини мунтазам такомиллаштириш, аёллар, болалар ва ўсимлар саломатлигини доимий назорат қилиш, тиббий кўриқдан вақтида ва сифатли ўтказиш, турмуш мажмуаларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида юртимизда оналар ва болалар саломатлиги тобора яхшиланиб, улар орасида ўлим ҳолатлари кескин камаймоқда.

Айниқса, бу борада Республикаимиз Президентини Исрол Каримовнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 13 апрелдаги «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги Қарорлари дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги Қарорлар ижроси бўйича бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг янги тизими бўлган оилавий поликлиникалар барча замонавий тиббий асбоб-усқуна-

МАЗАЛИ, КЎРКАМ ВА СИФАТЛИ


Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш доимо эътиборда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилаётган кенг имконият ва берилаётган имтиёзлар самарасида халқаро андозаларга мос, рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Истеъмол бозорида давлат стандартларига мос махсулотлар тобора кўпайиб бораётгани халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётди.

Буни яхши англаган ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин топиш учун экологик тоза, сифатли, арзон махсулот тайёрлаб, аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Shox produkt» масъулияти чекланган жамияти ҳам аҳоли дастурхонини сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётди. Бу ерда маҳаллий хомашёдан колбаса, пишлоқ, гўшт ва қандолат махсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бозор ва харидорлар эҳтиёжини ўрганган ҳолда ички имкониятлардан унумли фойдаланаётган корхонада қисқа муддатда махсулот турлари кўпайтирилди. Ўз фаолиятини 2008 йилда саккиз хилдаги колбаса

ва тўрт хилдаги қандолат махсулоти ишлаб чиқаришдан бошлаган корхонада ҳозир торт ва пирожнийнинг юздан зиёд, колбаса махсулотларининг ўттиз хили тайёрланмоқда.

— Ишлаб чиқараётган махсулотларимиз нафақат бежирим ўрама билан, балки, таъми ва юқори қуввати билан ҳам харидорлар эътиборини тортмоқда, — дейди корхона раҳбари Икром Абдурахимов. — Айниқса, илғор технологияларни қўллаган ҳолда дудланган, ярим дудланган, қайнатиб пиширилган махсулотлар замонавий тарзда, турли хил вазнда, эҳтиёж-



казиб берилмоқда. Шунингдек, буюртма асосида тўй ва байрам оқшомлари учун турли ҳажмда ва ҳар хил кўринишдаги ширинликлар тайёрлаб берилмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик ривожини йўлида яратилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш, махсулот сифатига қаратилган эътибор корхона даромадининг ошишига хизмат қилаётди. Зеро, махсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминлашда замонавий технологик лини-

яларнинг ўрни бекиёс. Айни вақтда бу замонавий усқуналар ва илғор технологиялар сони ортиб, сифатли ва арзон махсулотлар тайёрлаш имконияти кенгаймоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири

СУРАТЛАРДА: «Shox produkt» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қандолатчилари иш устида.

Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

КАМОЛОТ

Маълумки, 2001 йил 25 апрель куни Таъсис Қурултойи қарори билан ўз олдига ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит ва қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намойиш этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш беришни мақсад қилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилган эди.

Шундан сўнг вилоят, шаҳар ва туманларда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилди. Ва фаолиятнинг биринчи кунидан Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланиб, «Камолот» ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлиши деган тилак билдирилди. Утган вақт давомида «Камолот» ЁИХ нафақат ёшлар, балки ота-оналар, бутун жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди ва бугунги кунда республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўзининг атрофида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштириб, уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман бўлими кенгаши раиси Акмал Қосимхўжаев билан суҳбатимиз давомида ёшлар ташкилотини ҳақиқатида фикрларимиз янада тинчқилиши.

— Бугунги кунда «Камолот» ЁИХ томонидан маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳуқуқий-тарғибот, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби йигирмадан ортиқ йўналишларда иш олиб борилмоқда, — дейди Акмал Қосимхўжаев. — Ташкилот бошчилигида ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган республика миқёсидаги турли лойиҳалар амалга оширилиб, ўнлаб кўрик-танловлар, анжуманлар ва спорт мусобақалари муваффақият билан ўтказилиб келинмоқда. Ёшларни янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишга ҳақиқатан эркин фикр-

лаш ва сўзлашга ўргатиш, уларнинг ташаббусларини амалга татиқ этиш, ижодий ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилиб, учрашув ва дебатлар ташкил этилмоқда. «Камолот» ЁИХ аъзолари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар, турли шаклдаги ўқув му-

Улуғбек туман бўлими томонидан олдига қўйилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлиш учун олти соҳада фаолият олиб борилмоқда.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш бора-сида ҳаракат сафини кенгайтириш ва

«Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасидаги «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, «Ёшларнинг «Камолот» билан» лойиҳаси доирасидаги «Маҳалла болаларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» бўйича давра суҳбатлари ва семинарлар, «Қосимсимиз — бахтимиз» широри остидаги иншолар кўрик-танло-

бўйича бир қатор режали ишлар олиб борилмоқда. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида семинар, давра суҳбатлари ва учрашувлар туман ҳокимлиги, туман ИИБ, туман прокуратураси, туман «Маҳалла» жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Бундан ташқари баҳор ойларида ҳаётларда фаоллик билан иш олиб бориш, ёш оиларида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича кўмак спорт ўйинлари, компьютер саводхонлиги, инглиз тили дарслари, қизлар учун мўлжалланган тиккиш-бичиш, пазандчилик курслари, «Белдирой» ва «Зилола» оромгоҳларида ўтказилиб келинаётган турли мавзулардаги маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ота-оналарга ҳам, ёшларга ҳам бирдек маъқул бўлмоқда.

Айни кунларда «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан пойтахтимизни гуллар шаҳрига айлантириш мақсадида катта ишлар олиб борилмоқда. Ёшларимизнинг ўз она шаҳри тарихини ўрганиши, яхши билишига кўмаклашиш мақсадида «Сиз Тошкент тарихини биласизми?» кўрик-танлови, «Тошкент — овоз шаҳрим, обод шаҳрим» мавзуларида гул ва дараклар экиш тадбирлари ўтказилди. Мақсад соғ танда — соғлом фикр широри остида ўқиш ва ишда яхши кўрсаткичларга эришиб овоз ва обод Ватанга муносиб фарзанд бўлишидир.

Шаҳноза МАҲМУДОВА
ёзиб олди

Туман кенгашлари фаолиятинан ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

ассасларида чуқур билим олмақда. Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда 2007 йилда «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлимининг 63 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатиб, жойларда хизмат қилиб, тахсил олаётган 45520 нафар 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 37012 нафари ҳаракат аъзоси бўлган бўлса, бугунги кунда бошланғич ташкилотлар сони 69 тани, аъзоларимиз сони эса 38003 нафарни ташкил этмоқда. Яъни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо

малакали кадрлар етиштириб чиқаришда туман кенгаши томонидан «Камолот» сардорлари, урта махсус ўқув юртли ва олий ўқув юртли фаолият ташкилотлари етакчилар кенгаши аъзолари учун мунтазам ўтказиб келинаётган семинар, тренинг ва турли мавзулардаги тадбир, учрашув ва давра суҳбатларининг ўрни катта. Жумладан, ўтган давр мобайнида туман кенгаши томонидан ёшларнинг ҳуқуқий билимларини, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида ташкил этилган «Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир», «Овоз ва обод Ватан — фаровон келажақ пойдевори» мавзуларидаги тадбирлар ёки ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган

ви фикримиз далилидир.

Шунингдек, маънавий-маърифий соҳада — ёшларимизни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, урф-одатларимизга, она Ватанимизнинг бой тарихига чуқур ҳурмат уйғотиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали ва «Сиз тарихни биласизми?» каби кўрик-танловлари уларни бир мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳаракат ташкил қилинганидан бери унинг асосий йўналишларидан бири бу — вояга етмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб бориш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт ва тўғаракларда мунтазам банд бўлишларини таъминлаш

Ёшларнинг таянчи ва суянчи бўлиш, уларнинг истеъдод ва иқтидорини юзага чиқаришга кўмаклашиш мақсадида иш олиб бораётган «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан бугун бир қатор мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Куни кеча «Соғлом ҳаёт» соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган анжуман ҳам ўсиб келаётган ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида қаратилганлиги билан фикримизга далил бўла олади.

Анжуманлар НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш ҳамда маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларини кучайтириш тўғрисида»-ги ва жорий йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, олий ўқув юрти «Етакчи қизлар» клуби ва «Соғлом ҳаёт» мажмуаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар-тренингда ўз нафардан ортиқ қизлар фаол иштирок этиб амалий ва назарий билимларни эгаллашди.

— Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими раиси Азимжон Мирзажонов, — эртага бир оиланинг бекаси бўладиган қизларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва болаликни таъминлаш

йўлида олган назарий билимларини амалда татиқ этиш ва тарғибот ишларини олиб боришдир.

Шунингдек, тадбирда қизларнинг балоғат даври, ҳомилдорлик ва чақалокни кўрак сути билан боқилишнинг афзаллиги, контрацептик воситаларнинг таъсири ҳақида мультимедия намоиши бўлиб ўтди. Соҳа мутахассислари қизларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

— Ушбу тадбирдан ишончманки, мен каби дугоналарим ҳам катта таассурот ва ўзлари учун керакли маънавий, тушунчаларни олишиди, — дейди тадбир иштирокчиси бўлган «Етакчи қизлар» клубининг фаол аъзоси Нигорахон Фуломова. — Наёл давомчилари бўлган оналар ҳам ҳуқуқий, ҳам тиббий жиҳатдан саводхон бўлишлари керак. Бўлиб ўтган анжуман ушбу жиҳати билан эътиборга сазовор деб ўйлайман.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга тарқатма материаллар берилиб, олинган қўниқма ва тушунчаларнинг янада эсда қолишига ҳисса қўшилди.

Муҳайё Тўлаганова,
«Камолот» Тошкент шаҳар бўлими матбуот хизмати ходими

ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ёшларни она Ватанга садоқатли, юртини севаучи ва ватанпарвар қилиб тарбиялашда Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда ушбу ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфида 11та туман Кенгашлари, 11та ўқув спорт-техника клублари, бирлашган техника мактаби мавжуд бўлиб, уларда Куролли Кучлар ва халқ ҳўжалиги учун оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқитувчи, амалий ўргатувчи усталар, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мурабийлар, услубчилар фаолият юритиб келмоқдалар.

Ташкилот «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари, «Маҳалла», Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими каби бир қатор жамғарма ва марказлар билан ўзаро яқин ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда фаолиятини олиб бораётган экан, тасдиқланган режа асосида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мунтазам равишда мусобақаларни ўтказиб келмоқда. Уларга эса шу

кунгача 5.500 дан ортиқ спортчилар қамраб олинган. Ўтган йиллар мобайнида 3332 та тоифали спортчилар, жорий йилда 1 нафар халқаро спорт устаси, битта спорт усталлигига номзод тайёрланди. Тошкент шаҳри жамоалари 17 та республика миқёсидаги чемпионат ва биринчиликларда иштирок этиб, уларда 23 та чемпион унвони, 15 та кумуш ва 16 та бронза медалларининг соҳиб бўлишди. Шунингдек ушбу мусобақаларда триатлончилар, авиамодельчилар, авторалчилик ва кардингчилар жамоалари юқори кўрсаткичларга эришиб чемпион бўлишди. Бундай ютуқ ва кўрсаткичларга эришишларида шаҳар Кенгаши тизими ташкилотларидаги спорт мурабийларининг хизматлари катта, албатта.

— «Ватанпарвар» ташкилотларида спортнинг автомобиль, радио, авиамодель, ўқ отиш, триатлон, кўпкураш

турлари бўйича жамоалар тузилиб фаоллик билан иш олиб борилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг раиси ўринбосари Иzzатбек Яманов. — Шу билан бир қаторда «Ватанпарвар»нинг бошланғич ташкилотларида 150 дан ортиқ тўғарак ва секциялар фаолият юритиб келмоқда. Ёшлар ва ўсмирларнинг спортнинг ўқ отиш тури, «Лайлак-варрак» ва «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларида қатнашишлари ҳам тобора оммавий тус олмақда.

Яқинда «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгашида маънавий-маърифий тадбирлардан яна бири бўлиб ўтди. «Устозга таъзим» деб номланган ушбу тадбирга узок йиллар ушбу ташкилотда самарали фаолият юритган устоз мурабийлар таклиф этилди. Улар ёшларга ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари, бой ҳаётий тажрибалари ҳақида чиройли мисоллар орқали ҳикоя қилиб бердилар.

Тадбир сўнггида фахрийларга ташкилотнинг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Жамоат ташкилотларида МАҚСАД — КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИ

учун хизмат қилиш, — дейди Ойла маросимлари маркази раҳбари Ўлмасхон Қодирова. — Токи овоз ва обод Ватанга муносиб ворислар етишиб чиқсин.

Дарҳақиқат бугунги кунда келажақ эгалари бўлган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб вояга етиши давлат сиёсати даражасидаги вазифага айланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан жойларда ташкил этилган «Ойла — муқаддас Ватан» дорилфунунлари муваффақият билан фаолият олиб бормоқда.

Фикримизни Шайхонтоҳур тумани Ойла маросимлари маркази қоридидаги жамоатчилик асосидаги Ёш оила қурувчилар мактаби фаолиятини назар ташлаш билан давом эттирсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу мактаб яқинда ўзининг янги, тўққизинчи ўқув йилининг очилиши билан биринчи машғулотини ўтказди. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси, туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинадиган ушбу мактаб машғулотларида 2-республика тиббиёт, Шайхонтоҳур тиббиёт, алоқа касб-ҳунар, 2-Тошкент юридик, Тошкент Менежмент ва технологиялар коллежлари талабалари ҳамда Ойла маросимлари марказига ариза берган ёшлар қамраб олинган.

— Ёш оила қурувчилар мактаби тингловчилари турли соҳа ходимлари ва мутахассислари билан бевосита мулоқотда бўлар эканлар, ҳаётда керак бўладиган фойдали маълумот ва тавсиялардан бохабар бўладилар, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими бўлим бошлиғи Гулнора Абдуваҳובה. — Айниқса, қизларни оилага тайёрлашга катта ҳисса қўшилмоқда.

Ўқув йилининг очилиш маросимида сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Суррайёхон Пўлатова, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Гулнора Иномжоновна, Республика «Ойла» илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Махбуба Мираҳмедова ва бошқалар ёш оила қурувчилар мактабининг мақсад-вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Ойла қончилигининг ёш оилаларни ҳуқуқий ҳимоя

қилишдаги аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш самарадорли-



гини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга тўлиқ маълумот бердилар.

— Дорилфунунни ташкил этишдан оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга тиббий билимларини ошириш, улар қалбига аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, Истиқлолга фидоийлик каби туйғуларни сингдириш, оиланинг муқаддаслиги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бир сўз билан айтганда эса баркамол авлодни вояга етказадиган бўлажақ ота-оналарни тарбиялаш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган, — дейди Ойла маросимлари маркази раҳбари Ўлмасхон Қодирова.

Этиборлиси шундаки, ушбу мактаб машғулотларида фаол қатнашган мутахассислар, ташкилотчи ва тингловчилар Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ҳамда ҳомиёларнинг Фахрий ёрлик, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ўқув йили якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топширилади ва улар Ойла маросимлари марказининг волонтерлари ҳисобландилар.

Раъно КАРАБАЕВА
СУРАТЛАРДА: Ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги машғулотидан лавҳалар.

Таълим ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти билан Санкт-Петербург давлат темир йўл университети ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўзаро келишувга биноан университетда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабалари ўқуви ҳам ташкил этилмоқда.

Шу йўл билан 30 нафардан ортиқ толиби илм Санкт-Петербургда ўз билим ва малакасини оширди.

2008-2009 ўқув йилининг ўзида 13 нафар битирувчига йўлланма берилди. 9 нафар талаба яхши ўқиганлиги учун аспирантурага қабул қилинди. Тузилган шартнома асосида ҳозир ўзбек ёшларидан бир нечтаси университетда тахсил кўрмоқда.

ШИНАМ ВА КЎРКАМ

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ўқувчи ёшлари турар жойида туб таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қулай ва шинам хоналардан иборат беш қаватли мажмуа турар жой биносида ҳозир 450 нафар ўғил-қиз истикомат қилмоқда.

«Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» шўъба корхонаси биноларида янги лойиҳа асосида иш юритилди. Айниқса, бинонинг ташқи кўриниши ўзгача манзара касб этди. Хона ва залларда эса темир йўл тизимида рўй бераётган янгиликларни акс эттирувчи сурат ва плакатлар кўзга яққол ташланиб турибди. Ўқувчиларнинг овқатланиши ва дам олиши учун яратилган қулайликларни ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

ЭНГ ЯХШИ ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети ўзининг 35 йиллигини нишонлади. Шу сана муносабати билан «Гносеология» деб номланган ўқув дарслиги ҳам чоп этилди.

Факультет олимлари томонидан яна қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай изланишларнинг энг яхшилари Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган умумжаҳон файласуфлар конгрессида тақдим этилди.

Маънавият МАКТАБНИНГ ИЛҒОР КУТУБХОНАЧИСИ

Республикамизда таълим муассасаларининг энг яхши кутубхоначилари кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

Бу сафарги бундай тадбирда ҳам ўз касбини ардоқлаб келаётган зиёкорлардан талайгинаси ўз билим ва маҳоратини намойиш қилди.

Республика илмий-педагогика кутубхонасида танловнинг якуний босқичида «Гран-при» ҳамда совринли ўринларни қўлга киритган ғолибларни тақдирлаш маросими уюштирилди. Тошкент шаҳридан Яққасарой туманидаги 118-мактаб кутубхоначиси Дилором Жўраева эса совринли иккинчи ўрин соҳиб бўлди.

ЭНГ ЗИЁКОР ОИЛА

Республика Болалар кутубхонасида уюштирилган «Энг китобхон оила» республика танлови ғолиблари аниқланди.

Республика болалар китоб жамғармаси ва «Ойла ва жамият» газета таҳририяти томонидан ташкил этилган бу бешлаш иштирокчилари кутубхоначилик фаолияти билан боғлиқ қатор саволларга ҳам жавоблар қайтардилар.

Тошкентдаги 255-мактабнинг толиби илми Дилафрўз ва унинг онаси Шоира Турдиевалар «Энг яхши китобхон оила» деган фахрлий ном эгаси бўлди.

Ғолибларга тақдим этилган совғалар орасида янги чоп этилган бадиий китоб ҳам бор.

Анвар ВАҲОБОВ

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» — СИЗ УЧУН!

«Ўздавнефтвазинспекция» Тошкент шаҳар бўлимида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг 2009 йил 6 мартдаги 1-сонли йиғилиш баёни қарорларини бажариш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳри ташкилотлари ва тадбиркорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, шикоят ва таклифлар учун шароит яратиш мақсадида «Ўздавнефтвазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими ҳар ҳафтанинг жума кунини «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилади ҳамда 268-09-49 рақамли «Ишонч телефони» ишлаб турганини билдиради.

«Ўздавнефтвазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтиди институт раҳбарияти, «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан миллий либослар ҳафталиги ўтказилди.

Ўзбек қизларининг нафосатини, ҳаё ва ибосини, уларнинг гўзаллигини шу миллий либосларимиз орқали кўрсатиб бера олдик.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ҲАФТАЛИГИ

Ҳа, инсон одоби — турмуш офтоби, деб топиб айтилган. Инсонни одоби, миллий кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом киши деганда фақат соғломгина эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий гоғлар руҳида камол топган инсонни тушунамиз», дея беҳиз айтмаган эди.

Гўзал юртининг паричеҳра қизлари, Нодирабегим, Зулфияноним ав-

лодлари, илму ижод оламида илғор, ўз элининг орзу-истагини рўёбга чиқара оладиган билимга чанқоқ қизларнинг жамолига гулпарилар ошиқ гўё. Институтимизда япон маркази фаолият олиб боради.

қилишларини айтдилар.

Атлас ва адрасдан либос кийган қизларимизга нафақат талаба йигитларимиз, балки устозларимиз ҳам ҳавас билан қараши.

Замира АХРОПОВА, ТДЮИ 1-курс талабаси

Спорт янгиликлари

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иштирокида 28-тур баҳслари ўтказилди.

Унда мутахассислару мухлисларнинг эътиборини похтаж жамоалари бўлими «Локомотив» — «Пахтакор» учрашуви тортгани аниқ.

ги жанговар дуранг билан яқунланди. Дарвозаларга тўпларни «Локомотив»дан Махарадзе, Умрзоқов, «Пахтакор»дан Аҳмедов йўллашди.

нида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини йирик 5:0 ҳисобида мағлуб этди.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 29-тур беллашувлари 5 ноябрда бўлиб ўтади.

— «Насаф» — 2:2, «Бухоро» — «Навбахор» — 3:0, «Олмалик» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Хоразм» — «Динамо» — 3:1, «Машъал» — «Кизилқум» — 6:1.

Чемпионат яқунлашишига икки тур қолганида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар номи маълум бўлди.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 29-тур беллашувлари 5 ноябрда бўлиб ўтади.



— Истиқлол шарофати боис мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида тиббиёт фани ва амалиётида катта ўзгаришлар, соғлиқни сақлаш соҳасида катта ислохотлар амалга оширилди.

Яқинда «Сўғдиёна» нашриёти томонидан «Тиббий терминлар энциклопедик луғати» чоп этилди.

лашни тақозо қилмоқда. «Тиббий терминлар энциклопедик луғати»ни тузиш-да эса ўқувчиларнинг талабларини мумкин қадар тўлароқ қондириш мақсадида, фақат рус тилида қабул қилинган тиббий

Дарҳақиқат, мазкур луғат турли мутахассисликдаги врачлар, айниқда эса ёшларнинг талабларини мумкин қадар тўлароқ қондириш мақсадида, фақат рус тилида қабул қилинган тиббий

Янги нашрлар

ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ

терминларнинг ўзбекча муқобили билан чегараланиб қолмай, шу терминларнинг изоҳи ҳам кирил, ҳам лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида берилган, у ўрта мактабни лотин алифбосида битириб, тиббиёт институтлари ва коллежларига кирган талабаларга тиббий терминларнинг моҳиятини билишга жуда катта ёрдам беради.

ниладиған янги атамаларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Умид қиламизки, мазкур китоб келажакда инсонлар саломатлигининг тикланиши, муҳофаза қилиниши ва турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ХАНДАЛАР

Бемор хотинидан сўради:

— Нима иш қиляпсан?

— Қизимга хат ёзиб, сенинг тузалаётганингни маълум қилялман.

Жарроҳ ҳамкасбига хитоб қилиб деди:

— Табриклайман сизни! Операция жуда яхши ўтди.

— Мол дўхтирининг ҳузурига бир маст келиб хархаша қиладди:

— Эшитишимча, сиз хайвонларни даволар экансиз? Шу тўғрими?

— Семиз аёл озмоқчи бўлиб профессордан маслаҳат сўрапти:

— Айтингчи, озиш учун қандай машқур қилишим керак?

— Мен каллангизни ўнгдан чапга ва чапдан ўнгга буриб туришни маслаҳат бераман.

— Қачон, қай маҳалда?

— Ҳар гал сизга овқат ейишни таклиф этишаётганда!

Врач машқур рессом Пикассога деди:

— Одам анатомиясидан хабардор киши сифатида айтишим мумкинки, картиналарингиздаги одамларнинг мазаси йўқ, шарти кетиб парти қолган.

— Эҳтимол, — дея жавоб қиладди рессом, — аммо ишонтириб айтишим мумкинки, улар сизнинг мижозларингиздан узоқроқ яшашади.

Бир бой одам денгиз соҳилидаги курортда хордиқ чиқараётганди.

Кутилмаганда унинг боши оғриб, ётиб қолди. Махаллий врач уни тинчлантириб, деди:

— Сиз ҳаяжонланманг! Бизда ўрта ҳисобда бир кунда фақат битта одам ўлади.

— Айтингчи, — деб сўрайди бой қалтираб, — ўша номзод бугун ўлиб бўлдимми?

Ҳамшира бемор аёлнинг касаллик варақасини тўлдирётди сўради:

— Турмуш қурганмисиз? — Эрим раҳматли ўн беш йил муқаддам ўлиб кетган.

— Болалардан борми? — Ҳа, бешта кўзmunчоқдай кичкинтойларим бор!

— Вой, бу қанақаси? — Ахир мен эмас, эрим ўлган!

Хусусий тиббиёт клиникасидаги врач ҳузурига кирган бемор сўрайди:

— Сизларда маслаҳат нархи қанча, дўхтир?

— Иккита жавобга йигирма доллар тўлайсиз. Энди иккинчи саволингизни беринг!

Касалхонада узоқ йиллар ишлаб, пенсия ёшига етган врач муомаласи анча қўпол бўлган бош врачга шундай дейди:

— Энди бу ерда ярим маошга ишляпман, бундан кейин менга овозингизни ярим қилиб баҳиринг!

Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

I. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, (05.07.2009 йилдаги №10701/24 сонли ижро ҳужжатга асосан) «Жулдон бобо» Савдо-тайёрлов ширкатига тегишли, Тошкент ш, Шайхонтоҳур т, Шофайз кўчаси, 97-уй манзилида жойлашган, 2 та бир қаватли оқиборона кўйилмоқда.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

тотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 8 398 225 сўм. 2. Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ховлиқлари» худудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси — 504 978 077 сўм.

уйда (Тошкент вилояти ИИББ ЙХКБ биноси) сақланаётган, «Daewoo Tico» русумли, д/р А532ВХN бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

II. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, (18.05.2009 йилдаги №9337/13 сонли ижро ҳужжатга асосан) «Ўзбекистонлоқмашсавдо» МЧКга тегишли, Тошкент ш, Чиноз тумани, Олмазор кўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 61 551,0 кв.м. булган, База бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Шунингдек, 2009 йил 24 ноябр кунини соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан такроран қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан Чилонзор т, 3-мавзедда жойлашган, «Шахстрас-Хизмат» МЧК 80-сонли автоуловлар тураргоҳида сақланаётган, «Мерседес Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 23.01.2008й, №1542/12).

III. М.Улугбек тумани СИБ томонидан, (ижро ҳужжати 15.01.2009й, 38) Тошкент ш, М.Улугбек т, Гёте кўчаси, 52-уйда

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар 2009 йил 9 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини со-

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан (06.03.06й, №ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжати асосан) қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. «Хундай Акцент» русумли, д/р 10Х6036 бўлган, 1995 йилда и/ч, Тошкент ш, Ҳама т, Уйсозлар кўчаси, 72-А-уй, «Тошкент техника таъмирлаш бутлаш» корхонасида сақланаётган ав-

тотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 8 398 225 сўм. 2. Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ховлиқлари» худудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси — 504 978 077 сўм. 3. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 293 489 559 сўм.

III. М.Улугбек тумани СИБ томонидан, (ижро ҳужжати 15.01.2009й, 38) Тошкент ш, М.Улугбек т, Гёте кўчаси, 52-уйда

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси. 2009 йил 4 НОЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА. Тошкент Давлат цирки БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! Кузги таътил кунларида «КЎВНОК МОЗАИКА» ТОМОШАЛАРИ. Томошалар: 2009 йил 4 ноябрдан 10 ноябрга қадар соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39. Душанба, сеһанба, чорһанба, пайһанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2807 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа өкцидорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 345

Оз-Оз ўрганиб домо билур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Мазкур «Қонуни Боситий» («Боситхоннинг «Тибб қонунлари») ёки «Қонун ал-Мабсут» («Кенгай-тирилган қонун») асари муаллифи Боситхон Ибн Зоҳидхон Шоший (1878-1959) бўлиб, у етук та-риб, шоир, таржимон эди.

«Қонуни Боситий» ёки «Қонун ал-Мабсут» деб 5 аталувчи мазкур асарни яратишда муаллиф Ибн Сино «Тиб қонунлари» ва аввал ўтган жуда кўп олимларнинг асарларидан фойдаланган.

«Қонуни Боситий»нинг шарҳшунослик институтида сақланаётган нусхаларига марҳум олим А.Носиров табиб ва унинг асари ҳақида ўз маълумотларини илова қилган.

А. Носировнинг ёзишича, Боситхон ибн Зоҳидхон шоир ҳам бўлиб, шеърятда «Ҳарикий» тахаллусини қўллаган ва шеърларини тўплаб «Мажмуаи ашъори Ҳарикий» номли девон тuzган.

Таъкидлаш жоизки, Боситхон ибн Зоҳидхоннинг «Қонун ал-Мабсут» асари ўтмиш табобати қондаларини ўзида жамлаган ва биринчи марта «қонун» сифатида ўзбек тилида ёзилган табобатга оид ноёб ёзма меросдир.

Иккинчидан, ўтмиш табобатининг фикрлари махсус болблаг ахратилган бўлиб, ўзига керакли фикрларни топиб олишда китобхон учун қулай қилиб ёзилган.

Учинчидан, Боситхоннинг фикрларига суянган ҳолда ўтмиш табобатлари у ёки бу масалада қандай муваффақиятга эришгани, ёхуд қандай хатоларга йўл қўйганларидан осонгина воқиф бўлиш мумкин.

ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Саломатликни сақлашдаги зўр тадбир Соғлом одамнинг саломатлигини сақлаш учун ҳар бир одамнинг ёшига қараб шу ёшга муносиб тадбир қўллаш табиб учун зарурий ишдир.

«Тошкент почта» филиали жамоаси филиал директори Юсуф Мирдаутович Мирсоатовга опаси КАРИМА опанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихлос эътиди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Жангоҳ» маҳалла фуқаролар йиғини II жаҳон уруши фахрийси, юридик фанлари доктори, профессор Иқром Жалилович ЖАЛИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихлос эътиди.